



TOSHKENT DAVLAT
IQTISODIYOT UNIVERSITETI

BIG
DATA

RAQAMLI IQTISODIYOT
VA AXBOROT
TEXNOLOGIYALARI

2022

ELEKTRON ILMIY JURNALI MAXSUS SON/2



МУАССИС | FOUNDER

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Tashkent State University of Economics

ТАҲРИР КЕНГАШИ РАИСИ | CHAIRMAN OF THE EDITORIAL BOARD

Шарипов Конгратбой Аvezимбетович – т.ф.д., профессор
Sharipov Kongratboy Avezimbetovich – doctor of technical sciences, professor

БОШ МУҲАРРИР | EDITOR-IN-CHIEF

Абдуллаев Мунис Курбонovich – и.ф.ф.д. (PhD), доцент
Abdullayev Munis Kurbonovich – PhD, docent

БОШ МУҲАРРИР ЎРИНБОСАРИ | DEPUTY CHIEF EDITOR

Вафоев Бобуржон Расулович – и.ф.н., доцент
Vafoev Boburjon Rasulovich – PhD, docent

МАСЪУЛ КОТИБ | EXECUTIVE SECRETARY

Л.А. Аблазов | Ablazov L.A.

ВЕБ-АДМИНИСТРАТОР | WEBMASTERS:

Н.Я. Нурсаидов, А.Ш. Махмудов | Nursaidov N.Ya., Makhmudov A.Sh.

ТАҲРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ | EDITORIAL BOARD

С.С. Гулямов – и.ф.д., академик.
Б.А. Бегалов – и.ф.д., профессор.
М.П. Эшов – и.ф.д., профессор.
О.Қ. Абдурахмонов – и.ф.д., доцент.
К.Б. Ахмеджанов – и.ф.д., профессор.
И.М. Алимардонов – и.ф.д., доцент.
Р. Салиходжаев – и.ф.ф.д. (PhD).
Проф. Холназар Амонов (Чехия).
Проф. Ҳамид Эргашев (Англия).
Проф. Карина Татек Банетти (Чехия).
Проф. Одиложон Абдураззаков
(Германия).
Проф. Эко Шри Маргианти
(Индонезия).
Проф. Дмитрий Назаров (Россия).
Проф. Н.М. Сурнина (Россия).
Проф. Марк Розенбаум (АҚШ).
PhD. Абдул-Рашид (Афғонистон).

PhD. Аҳмед Мохамед Азиз Исмоил
(Миср)
PhD. Бекзод Саидов – (АҚШ).
А.А. Исмаилов – и.ф.д., профессор.
И.Е. Жуковская – и.ф.д. (DSc),
профессор.
Т.С. Кучкоров – и.ф.д. (DSc),
профессор.
Р.А. Дадабаева – и.ф.н., доцент.
Ш.И. Хашимходжаев – и.ф.н., доцент.
А.А. Абидов – т.ф.н., доцент.
И.М. Абдуллаева – и.ф.н., доцент.
Н.Б. Абдусаломова – и.ф.д. (DSc),
профессор.
Р.Х. Насимов – т.ф.н., доцент.
А.Б. Бобожонов – и.ф.ф.д. (PhD).
С.О. Хомидов – и.ф.ф.д. (PhD).
Ш.С. Егамбердиев – и.ф.ф.д. (PhD).

МУНДАРИЖА

Шарипов Конгратбой Авезимбетович, Каримова Ширин Зоҳид қизи ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ	6
Eshov Mansur Po'latovich, Abdullayev Munis Kurbonovich, Rizayeva Farangiz Xoldorovna BLOCKCHAIN TECHNOLOGIYALARINING OLIY TA'LIM TIZIMIDA QO'LLASH AFZALLIKLARI	11
Абдурахмонова Гулнора Қаландаровна, Зарипов Баҳодир Бобомурод ўғли ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ АСОСИДА БУЛУТЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ХИЗМАТЛАРИНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ҚАРОРЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МЕТОДОЛОГИЯСИ	19
Yuldashev Maqsudjon Abdullayevich, Maxmudov Abbas Sherali o'g'li, Homidov Hamdam Hasan o'g'li IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISHDA RAQAMLI TECHNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH SAMARADORLIGI	26
Ақбаров Нодир Гафурович, Вафоев Бобуржон Расулович, Юсуфжанов Нурмухаммад Жаҳонгир ўғли СПОРТ МАРКЕТИНГИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ	33
Abduvohidov Abdumalik Mahkamovich, Parpieva Rano Abdurasulovna FOREIGN EXPERIENCE IN ORGANIZING REMOTE BANKING SERVICE	39
Abdulakhatov Muzaffar Mashrabjon ugli, Jaloliddinova Madina Sirojiddin kizi THE MAIN IMPACTS OF DIGITAL TRANSFORMATION ON SMALL TO MEDIUM-SIZED BUSINESS ENTERPRISES	43
Абдуллаев Мунис Курбонovich, Абдурахмонова Барно РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ	48
Абидов Абдужаббор Абдухамидович ДИАГНОСТИКА СОСТОЯНИЯ И ВОССТАНОВЛЕНИЯ РАБОТОСПОСОБНОСТИ СИСТЕМ РЕАЛЬНОГО ВРЕМЕНИ	54
Алимов Раимжон Хақимович, Шамсиева Ф.М. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА КИРИТИЛАЁТГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ МЕВА- САБЗАВОТ ЕТИШТИРИШГА ТАЪСИРИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ ВА ПРОГНОЗЛАШ	59
Амиров Лочинбек Файзуллаевич, Асқарова Мавлуда Турабовна СТРАТЕГИЧЕСКИЕ ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ АГРАРНОГО СЕКТОРА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН	65
Ахунова Маърифат Хақимовна ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ РАҚАМЛАШУВИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР	74
Ashurov Zufar Abdulloevich, Butikov Igor Leonidovich MULTIPLE LISTING SERVICE – A DIGITAL TECHNOLOGY FOR REAL ESTATE MARKET OF UZBEKISTAN	78
Бекмуродов Н.Х. ИНСОН РЕСУРЛАРИНИ СТРАТЕГИК БОШҚАРИШДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА УЛАРНИ ТАТБИҚ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ	82

Davletova Durдона, Buranova Jazira DIGITAL ECONOMY: INFLUENCE IN ECONOMY DURING THE PANDEMIC	86
Дадабаева Раъно Акромовна ФОРМИРОВАНИЕ СТРАТЕГИИ ОРГАНИЗАЦИИ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ ..	91
Jamalova Gulnora Gulomovna, Aymatova Farida Khurazovna DIGITAL ECONOMY AS A NEW PERIOD OF GLOBALIZATION	94
Жахонгиров Илимдоржон Жахонгиржон ўғли МАМЛАКАТИМИЗДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МУАССАСАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ	100
Zhukovskaya Irina Evgenievna, Khashimkhodzhaev Sharafutdin Ishankhodzhaevich THE MAIN DIRECTIONS FOR IMPROVING THE QUALITY OF HIGHER EDUCATION IN THE CONTEXT OF DIGITAL TRANSFORMATION	109
Зарипова Мукадас Джумаёзовна ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР ТАРКИБИ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ КўРСАТКИЧЛАРИ ВАЗН КОЭФФИЦИЕНТЛАРИНИ АНИҚЛАШДА ЭКСПЕРТ СЎРОВ УСУЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ	114
Karimova Shirin Zohid qizi ELEKTRON TIJORAT DO‘KONLARIDA 3D TECHNOLOGIYALARINI QO‘LLASH	125
Касимов Азамат Абдукаримович САНОАТ 4.0 НИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЁТНИ РАҚАМЛАШТИРИШДАГИ ЎРНИ	129
Қодиров Фаррух Эргаш ўғли, Мухитдинов Х.С. АҲОЛИГА ТИББИЙ ХИЗМАТ КўРСАТИШДАН ОЛИНГАН ДАРОМАД ВА ХАРАЖАТЛАРНИ БИЗНЕС ИННОВАЦИОН МОДЕЛИ	136
Кулматова Сайёра Сафаровна, Рихсимбаев Одилжон Кабилджанович ВОПРОСЫ ЦИФРОВИЗАЦИИ МАШИННО-ТРАКТОРНЫХ ПАРКОВ В СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ	142
Kuchkarov Tahir Safarovich, Sultanov Ruslan Rustamovich RESEARCH AND DESIGN STRUCTURE AND FORMAL MODEL OF INFORMATION SYSTEM FOR MANAGING EDUCATIONAL SYSTEM AND E-CONTENT DESIGN BASED ON ELEMENTS OF ARTIFICIAL INTELLIGENCE	147
Мирзакаримова Муhabбатхон Махмуд қизи БАРКАМОЛ АВЛОД БОЛАЛАР МАКТАБЛАРИ ТИЗИМИ УЧУН МУЛЬТИМЕДИАЛИ МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ПЛАТФОРМАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ	156
Назаров Дмитрий Михайлович, Шкрадюк А.Д. ТЕХНОЛОГИЯ OSINT: ОБЗОР СЕРВИСОВ С ОТКРЫТЫМ ИСХОДНЫМ КОДОМ	167
Nuraliev Faxriddin Murodillaevich, Giyosov Ulugbek Eshpulatovich, Ibodullaev Sardor Narsiddin o‘g‘li TA'LIMNING VIRTUAL OLAMDAGI KO‘RINISHI UCHUN 3D OBEKTLARNI JOYLASHTIRISH VA FOYDALANISH USULLARI	172

Nursaidov Nurmukhammad Yashnar ugli USING MOBILE DEVICES FOR LANGUAGE LEARNING	177
Olimov Maksudjon Komiljon ugli SPECIFIC CHARACTERISTICS OF MODERNIZATION OF INDUSTRIAL PRODUCTION BRANCHES AND IMPLEMENTATION OF “INDUSTRY 4.0” CONCEPT .	183
Ортиков У.А. СУЩНОСТЬ И НЕОБХОДИМОСТЬ ПОВЫШЕНИЯ ПРОИЗВОДИТЕЛЬНОСТИ ТРУДА В ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКЕ	188
Отажанов Умид Абдуллаевич, Нуруллаева Шахноза Тохтасиновна, Сайдуллаева Саодат, Исакова Наима ЎУДУДЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИНИ ЗАМОНАВИЙ БАҲОЛАШ УСУЛИНИ ТАДБИҚИ	193
Паязов Мурод Максудович ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР	201
Пилипенко Елена Федоровна, Белалова Гузаль Анваровна ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИЙ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В МАРКЕТИНГОВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРЕДПРИЯТИЙ	207
Рўзиева Дилобар Исомжоновна РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ	214
Сабиров Ойбек Шавкатбекович, Эргашова Наргиза Бобохоновна ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ	219
Саидназаров Фирдавс Абдуллоевич КОРХОНАЛАРДА УЗОҚ МУДДАТЛИ МОЛИЯВИЙ СТРАТЕГИЯНИНГ АМАЛИЙ- УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ (Ўзбекгидроэнерго АЖ мисолида)	227
Салайев Расул Шавкатович ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА РАҚАМЛИ АКТИВЛАР МУОМАЛАСИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ ЁНДАШУВЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	237
Темиров Абдулазиз Алимжанович АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ФАОЛИЯТИГА РАҚАМЛИ БОШҚАРУВНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	249
Тўхсанов Қудратилло Нозимович ПАНДЕМИЯДАН КЕЙИНГИ ДАВРДА РАҚАМЛИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ИМКОНИЯТЛАРИ	254
Файзиева Муяссарзода Ханчаровна РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ	259
Файзуллаева Нилуфар Садуллаевна ИНТЕРНЕТ-ТЕХНОЛОГИИ И РАЗВИТИЕ ОБРАЗОВАНИЯ	268
Хашимова Дилёра Пахритдиновна, Мирзиёдова Гульнозахон Аюбхон кизи ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИНСТРУМЕНТОВ ЦИФРОВОГО МАРКЕТИНГА ДЛЯ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ПРОЦЕССА ПРОДВИЖЕНИЯ ТОВАРОВ ТОРГОВОГО ПРЕДПРИЯТИЯ	272

Хидиров Темур Қахрамон ўғли СУТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНАЛАРИНИ РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА КЛАСТЕР ТИЗИМИ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ	278
Xodjayeva Mavlyuda Sabirovna, Saydakhmedova Barno Batirovna TA'LIMDA RAQAMLI TECHNOLOGIYALARDAN SAMARALI FOYDALANISHNING AHAMIYATI	285
Хужакулов Хаитмурат Джавлиевич, Аюбджанов Аббас Хасилович ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ РИВОЖЛАНИШИНИ СТАТИСТИК БАҲОЛАШДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ...	293
Хакимова Муҳаббат Файзиевна, Тўрабеков Фарход Санакулович ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ МУҲИТИДА АРАЛАШ ЎҚИТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	300
Shermuhamedov Abbos Toirovich, Ablazov Lazizbek Abdigosimovich OLIY TA'LIMDA BULUT TECHNOLOGIYALARINING IMKONIYATLARI	306
Shoaxmedova Nozima Hayrullayevna, Abdullaeva Iroda Maxmudjanovna, Mannanova Shaxida Gaybullayena, Yusupova Dilbar Mirabidovna SUN'IY INTELLEKT YORDAMIDA SOXTA KONTENTLARNI ANIQLASH USULLARI ..	311
Юлдашев Абдухаким Абдукаримович КИЧИК ЁҒ-МОЙ КОРХОНАЛАРИДА ТАЪМИНОТ ЗАНЖИРИНИ БОШҚАРИШДА РАҚАМЛИ ЛОГИСТИК ЭКОТИЗИМЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ САМАРАДОРЛИГИ	317
Yuldasheva Nilufar Abduvakhidovna THE CONCEPT OF THE STRATEGY OF INNOVATIVE AND TECHNOLOGICAL DEVELOPMENT OF INDUSTRIAL ENTERPRISES IN THE DIGITAL ECONOMY	322
Юлдошев Улугбек Аскар ўғли РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҲАСИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК	327
Юсупов Муҳиддин Соатович УКРЕПЛЕНИЕ ПРОДОВОЛЬСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ ПУТЕМ РАЗВИТИЯ ЦИФРОВОГО И УМНОГО СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ	334
Юсупов Мансур Махаммаджон угли, Шоахмедова Нозима Хайруллаевна АНАЛИЗ СОВРЕМЕННОГО СОСТОЯНИЯ КИБЕРБЕЗОПАСНОСТИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН	345
Якубов Максадхон Султаниязович, Шарифжанова Нилуфар Муратжановна МЕХАНИЗМЫ РЕАЛИЗАЦИИ МЕТОДОЛОГИИ УПРАВЛЕНИЯ В СИСТЕМЕ ПОДГОТОВКИ РАЗРАБОТЧИКОВ ПРОГРАММНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ	352
Асадов Жасур Абдужабборович РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА АҲОЛИНИНГ МОЛИЯВИЙ САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИШГА ОИД ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА	361
Homidov Hamdam Hasan o'g'li, Vafoyev Boburjon Rasulovich, Maxmudov Abbos Sherali o'g'li SUN'IY INTELLEKT TECHNOLOGIYALARINI QISHLOQ XO'JALIGI FAOLIYATIDA TADBIQI	367
Norboeva Nafisa Erkinovna EFFICIENT USE OF CLOUD TECHNOLOGIES IN THE ACTIVITIES OF ENTERPRISES AND ORGANIZATIONS	372

ИНСОН РЕСУРЛАРИНИ СТРАТЕГИК БОШҚАРИШДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА УЛАРНИ ТАТБИҚ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Бекмуродов Н.Х.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Менежмент ва маркетинг” кафедраси мудири, доцент, и.ф.н.

Аннотация

Мақолада инсон ресурсларини стратегик бошқариш технологиялари ўрганилган. Шунингдек, инсон ресурсларини стратегик бошқаришда замонавий технологияларини қўллаш амалиёти таҳлил этилиб, уни такомиллаштириш йўллари юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калитли сўзлар

инсон ресурслари, меҳнат ресурслари, инсон омили, инсон капитали, персонал, стратегик бошқарув, замонавий технологиялар, инновацион ёндашув, корпоратив бошқарув, креатив бошқариш

Кириш

Маълумки, ҳар қандай фаолият тури бошқарув асосига қурилади, чунки шу фаолиятни амалга оширишда кўзланган мақсадга эришиш, бажариладиган вазифаларни тақсимлаш, ижросини назорат қилиш, шунингдек, самарадорликка эришиш учун шу фаолиятда иштирок этувчиларни манфаатларини ҳимоя қилиш, рағбатлантириш чора тадбирлари бошқарув жараёнида ташкил этилади. Асрлар давомида бошқарувнинг кўплаб усуллари шаклланди. Бугунги кунга келиб бозор иқтисодиёти шароитида менежментга кўплаб талаблар қўйилмоқда. Корхоналарда инсон ресурсларини бошқаришни тўғри ташкил қилиш корхоналарнинг ривожланишининг асосий омилларидан бирига айланган. Персоналга гуманистик қарашлар билан баҳо бериш XXI аср талаби дейишимиз мумкин. Бозор муносабатларининг самарали жорий этилиши ҳам биринчи навбатда инсон ресурсларидан самарали фойдаланишга боғлиқ.

Методология

Мамлакат иқтисодиёти ривожланишининг замонавий босқичида инсон ресурсларига корхонанинг бозордаги фаолияти муваффақиятини белгилаб берувчи энг муҳим омил сифатида қаралмоқда. Доимий тарзда ўсиб бораётган рақобат корхоналарга нафақат “корпоратив инсон капитали”га бўлган муносабатларини қайта кўриб чиқиш ва инсон ресурсларини бошқариш соҳасида тизимли қарорлардан фойдаланишни, балки ходимларга таъсир самарадорлигини доимий тарзда ошириш йўллари ва усуллари излаб топишни тақозо этмоқда. Шу сабабли корхоналарда инсон ресурсларини бошқариш нафақат тизимли, балки инновацион ёндашувни талаб этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар меҳнат соҳасида бошқаришни ташкил этишга бўлган анъанавий ёндашувларни, умуман ташкилотлар ва алоҳида олинган ходимнинг меҳнат ва ижодий салоҳиятини максимал даражада тўлиқ амалга оширишга йўналтирилган янги бошқарув концепцияларини илмий асослашни заруратга айлантarmoқда.

Иқтисодиёт ривожланишининг замонавий босқичида корхона фаолияти самарадорлигини оширишнинг муҳим йўналишларидан бири инсон омили, ҳар бир ходимнинг яширин психологик, ҳатти-ҳаракат ресурсларидан фойдаланишни фаоллаштириш ҳисобланади. Бу айниқса, ишлаб чиқариш корхоналарига тегишли бўлиб, бундай корхоналарнинг кескин рақобат шароитида муваффақиятга эришиши ташкилотнинг креативлигига, маҳсулот ассортиментининг доимий тарзда ривожланишига, нарх сиёсати, корхонада шаклланган психологик муҳитга боғлиқ. Ушбу масалаларга корхона персоналани фаол жалб этмасдан, ҳар бир ходимнинг қобилияти ва ижодий қирраларидан самарали фойдаланмасдан ижобий натижага эришиб бўлмайди.

Инсон ресурсларини бошқариш стратегияси ташки муҳит тақдим этадиган имкониятлар ва ички манбалар; ташкилотга рақобатчилардан барқарор устунликни таъминлай оладиган компетенцияларни аниқлаш ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган. Инсон ресурсларини бошқариш стратегияси қуйидагиларни ўз ичига олади: ривожланиш нуктаи назарини шакллантириш, стратегиясини ишлаб

чиқиш ва амалга ошириш. Бунда ташкилот айна пайтда бўлган ҳаётийлик даври босқичини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.[1]

XXI аср - интеллектуал технологиялар асри. Ҳеч бир соҳа йўқки, технологиялар кириб бормаган. Ишлаб чиқаришдан тортиб бошқарувгача технологияларидан кенг фойдаланилмоқда. Жумладан инсон ресурсларини бошқаришда ҳам замонавий технологиялардан фойдаланиш давр талабига айланмоқда. Корхона ва ташкилотларнинг, давлат идораларининг аксариятида бошқарув тизимлари эскича кўринишда. Бу эса иш сифатини пасайишига, қоғозбозликнинг ортишига ишчилар меҳнатининг субъектив баҳоланмаслигига, олиб келмоқда. Жамиятда, саноатда технологиялар, инновацияларнинг кўпайиши бошқарув тизимларини модернизациялашни талаб қилмоқда.

Бугунги пандемия даврида айниқса HR бошқарувида замонавий технологияларга бўлган талаб сезиларли даражада ортди. Маълумки, аксарият ташкилотлар карантин сабабли ходимлар фаолияти масофавийга ўтказилди. Бундай вақтда кадрлар бошқаруви янада мураккаблашди. Меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнат унумдорлигини баҳолаш, ходимларни ишга қабул қилиш, ишдан бўшатиш, ходимларни рағбатлантириш каби босқичларда яхлит тизим етишмаслиги кўп корхоналарда кузатилди. Корхона ва ташкилотлар HR тизимларини тубдан ислоҳ қилиш корхона ривожининг асосий омилига айланган. Тизимни тўлиқ электронлаштириш шаффофликни таъминлашга, вақт сарфини ва харажатларни тежашни таъминлайди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда ташкилотда инсон ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади.

Инсон ресурсларини бошқаришни модернизациялаш янги соҳа. Технологиялар ривожлангани сари улардан бошқарувда фойдаланиш самарадорлигини ўрганиш билан соҳа кенгайиб бораверади. Шунга қарамасдан инсон ресурсларини стратегик бошқариш соҳасида етарлича изланишлар олиб борилган. Хусусан россиялик олим П.Евенко ходимларни бошқаришда тўртта концепцияни илгари суради. Евенконинг фикрича, XIX аср охиридан ҳозирги кунга қадар инсон ресурсларини бошқариш тўртта кўринишда намоён бўлади.

Инсонларнинг билим ва малакаси, кўникмалари ва қобилиятлари корхона фаолиятининг муҳим омили ҳисобланган ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг замонавий босқичида инсон ресурсларини бошқариш тизимининг назарий ва амалий масалалари, ташкилотни бошқариш тизимида инсон омилининг ўрни ва аҳамияти мамлакатимиз ва хорижий олимлар томонидан кенг ўрганилган.

Бошқарув соҳасидаги замонавий тенденцияларни таҳлил қилиш натижасида шундай хулосага келиш мумкинки, XXI асрда инсон ва унинг имкониятлари, менежмент, у ҳал этадиган вазифалар ва қўллайдиган методлари тўғрисидаги тасаввурлар кескин ўзгармоқда. Бошқача қилиб айтганда, бошқарув парадигмасининг алмашуви юз бермоқда.

Инсон ресурси бу кенг маънода инсон салоҳияти, яъни жисмоний, руҳий ва маънавий заҳиралар мажмуи бўлиб, зарурият туғилганда улардан фойдаланиш мумкин. [2]

Бошқарув объекти сифатида инсон ресурслари ҳақидаги тасаввур ижтимоий муносабатларнинг ривожланиб бориши, илмий ва эмпирик билимларнинг тўплашиб бориши билан ўзгариб боради. Ўтган юз йил давомида бошқарув объекти сифатида менежмент назариясида инсон ресурсларининг базавий антропологик модели жисмоний инсондан ижтимоий инсонга, кейинчалик эса индивидуал, трансперсонал ва стохастик инсонга ўзгарди.

Ташкилотда инсон ресурсларини бошқариш бошқарувчи ва бошқарилувчи объектларнинг ўзаро таъсири билан боғлиқ бўлиб, у ишлаш қобилиятини сақлаб қолиш, қўллаб қувватлаш ва ижтимоий тизим ривожланишини таъминлайди. Бошқарув тўғрисидаги билим бошқарув фаолияти самарадорлигининг ошишига олиб келувчи бошқарув усуллари танлаш имконини беради.

Инсон ресурсларини бошқариш назарияси ва амалиётида тўртта базавий концепция ажратиб кўрсатилади :[3]

- меҳнат ресурсларидан фойдаланиш;
- персонални бошқариш;
- инсон ресурсларини бошқариш;
- инсонни бошқариш.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, инсон омилига иқтисодий ҳаёт субъекти сифатида тасаввурларнинг узоқ муддатли ривожланиш натижаси ўлароқ “ишчи кучи”, “меҳнат ресурслари”, “меҳнат салоҳияти”, “инсон омили”, “персонал” ва “инсон ресурслари” каби тушунчалар юзага келди. Шу нуқтаи назардан корхона персоналига назарий қарашларнинг эволюцияси ва уларга таъсир қилган бир қатор омиллар мавжуд (1-жадвал).

Иқтисодий ҳаёт субъекти тўғрисидаги тасаввурнинг ривожланиш эволюцияси [4]

Атамалар	Фандаги фаол фойдаланиш даври	Инсон ҳақидаги тасаввурнинг акс эттирилиши	Вужудга келиш омиллари
Иш кучи	XIX аср ва ҳозирги давр	Инсон – меҳнат жараёнида унумли фойдаланиш мумкин бўлган қобилиятлар ва сифатлар эгаси сифатида	Ишлаб чиқаришнинг шахсий омилини белгилаш ва ҳисобга олишнинг зарурлиги
Меҳнат ресурслари	XX аср 20-йиллари ва ҳозирги вақт	Инсон – ташқи бошқарувнинг пассив объекти, режалаш – ҳисоблаш бирлиги сифатида	Иқтисодиётни марказлашган бошқаруви шароитида ишчи кучини, такрор ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ўлчаш зарурлиги
Меҳнат салоҳияти	XX аср 70-80 йиллари ва ҳозирги вақт	Инсон – меҳнат соҳасидаги ўз эҳтиёжлари ва қизиқишлари билан ажралиб турувчи субъект сифатида	Шахсий омил билан боғлиқ имкониятларни фаоллаштириш ва самарали фойдаланиш зарурлиги
Инсон омили	XX аср 80-йиллар охири, 90-йиллар боши ва ҳозирги вақт	Инсон – ижтимоий ишлаб чиқаришнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи, унинг унумдорлигини ошириш воситаси	Ижтимоий-сиёсий шарт-шароитлар, шахсий омил самарадорлигини ошириш зарурлиги
Инсон капитали	XX аср 90-йиллар боши ва ҳозирги вақт	Инсон – энг самарали қўйилмалар объекти ва уларни билимлар мажмуига айлантирувчи ва бундан кейин ундан фойдаланишни мақсад қилиб қўйган субъект сифатида	Инсон қадриятини ва инсон иқтисодиётига сарфланган инвестицияларнинг ишлаб чиқариш хусусиятини эътироф этиш

Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш концепциясида инсон – ўз шахсидан ажратилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва шу учун ҳақ олувчи бошқарилувчи объект ҳисобланади. [2]

XX асрнинг бошларида шаклланган ходимлар хизмати қайд этиш ва ҳисобга олиш функцияларини бажарганлар ва кадрларни бошқариш меҳнатни ва иш ҳақини ташкил этиш билан тенглаштирилган. У даврдаги ташкилотнинг моҳияти механик муносабатлар – қоидалар, процедура ва усуллар мажмуидан иборат бўлиб, улар асосида ташкилот механизм сингари аниқ фаолият кўрсатиши мумкин бўлган.

Натижа

Инсон ресурсларини бошқариш концепцияси ташкилот олдида турган мақсадларга эришиш учун инсон ресурсларини ўстиришга асосланади. Бундай шароитда ходимларни ўқитиш ва малакасини ошириш инсон ресурсларини бошқаришнинг асосий функцияларига айланади.[3]

Маълумки, бош мия иши табақаланиш ва тор ихтисослашувга эмас, балки тизимлилиқ ва комплекслилиқка асосланади. Бундай ҳолатда ахборотлар тўлиқ бўлмаган шароитда сифатли қарорлар қабул қилиш имконияти юзага келади.

Инсон ресурсларини бошқариш назарияси ва амалиёти ривожланиши жараёнининг тизимлаштирилиши куйидаги жадвалда келтирилган (2-жадвал).

Инсонни бошқаришнинг янги концепцияси ҳозирги кунда шаклланиш босқичида бўлиб, ўз қиммати ва аҳамиятига эга инсон ресурсини капиталлаштиришга қаратилган. Бундай ҳолатда ташкилот кенг маънодаги маданий феномен сифатида намоён бўлади. Маданият эса ички ва ташқи уникал реалликни ташкил этиш жараёни сифатида аниқланади. У ташкилот ходимлари ва уларнинг ҳамкорлари томонидан қўллаб-қувватлангани маънолар тизимини юзага келтиради.

Янги юзага келаётган шароитда бошқарув технологиясининг рамзи бўлиб компас майдонга чиқади. У “бизнинг йўналиш ва мақсадларни танлаш ҳуқуқимизни ва ҳеч қачон ўзгармайдиган, универсал, абадий ва ўз-ўзидан аён табиий қонунлар ва тамойилларга амал қилишимизни ўзида акс эттиради” [5]. Бундай ташкилот қисман хаотик муҳитда фаолият кўрсатади. Унда инсонлар ва ташкилотларнинг бирлашиши қизиқишлари, базавий қадриятлари, уникаллиги, фойдаси ва аҳамияти бўйича амалга ошади. У “истеъдод, виждон ва эҳтиёжлар асосида истеъмолчи билан мувофиқлаштирилган ўзига хос маҳсулот ишлаб чиқаради”.

Инсон ресурсларини бошқариш назарияси эволюцияси [2]

Тадқиқ этилаётган тавсифлар	Инсон ресурсларини бошқариш концепцияси			
	Кадрларни бошқариш	Персонални бошқариш	Инсон ресурсларини бошқариш	Инсонни бошқариш
Технология рамзи	Механизм	Организм	Мия	Компас
Маҳсулот	Оддий	Стандартлаштирилган, нисбатан мураккаб	Мураккаб, “аниқ миждозга мўлжалланган”	Ўзига хос (уникал)
Бошлиқнинг самарали тури	Авторитар	Етакчи (Лидер)	Тренер	Коуч
Хатти-ҳаракатнинг самарали тури	Инсон-функция	Инсон-манипулятор	Инсон-ҳамкор	Инсон-креатив (ижодкор)

Замонавий бошқарув назарияси ва амалиётида учта бошқарув тури ажратиб кўрсатилади [6]:

- йўриқномалар бўйича бошқарув;
- мақсадлар бўйича бошқарув;
- менежмент-ўрганиш.

Хулоса

Йўриқномалар бўйича бошқарув кадрларни бошқариш концепцияси доирасида амалга оширилиши мумкин. Йўриқномалар бўйича бошқарув ходимлар ривожланишининг паст даражаси туфайли бажарилаётган иш доирасида мустақил қарор қабул қилиш имкониятининг мумкин эмаслиги билан тавсифланади. Бундай ҳолатда йўриқномага тўлиқ амал қилиш ва тегишли тарзда мукофотлаш инсонга стандартларда белгиланган вазифани керакли сифат даражасида бажариш имконини беради.

Бугунги кунда бошқарувнинг янги тури – креатив бошқаришни жорий этиш зарурияти юзага келмоқда. Бу бошқарув ходимларнинг истеъдодлилиги ва уларнинг бошқарув жараёнларига жалб этилганлиги билан тавсифланади.

Креатив бошқариш асосида компетентли ва ишлаб чиқариш жараёнларига жалб этилган мақсадга эришиш учун нима ўрганиш лозимлигини онгли равишда танлаган инсоннинг доимий равишда ўз-ўзини ўргатиш жараёни ётади. Бундай бошқарув турига ўтиш имконияти XXI асда инсон ривожланишининг юқори даражаси, унинг уникал билимлари, фаол ўз-ўзини бошқариши, ўз-ўзига ўргатиши, мотивация, креатив ташкилотлар шаклланиши ва ривожланиши жараёнидаги масъулияти ва уларга жалб этилганлиги билан изоҳланади. Бундай ташкилотлар энг юқори маънавий эҳтиёжларни амалга ошириш учун ижодий ишга жалб этилган кишилар манфаатларини боғловчи бўғин ҳисобланади ва иккита муҳим вазифани бажаради – муҳитни шакллантиради ва бир вақтнинг ўзида унга киришиб кетади. [7]

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдурахмонова Г. Инсон ресурсларини бошқариш. Т.: - 2021. 368 б
2. Губанова С.Е., Внучков Ю.А., Михайлова Л.В. Эволюция управления человеческим ресурсом организации. //Вестник Московского государственного областного университета. Серия: Экономика. – М.: 2017. - №4. – С.48
3. Желтенков А.В., Козлова Е.Г., Афанасьева А.Ю. Управление трудовыми ресурсами. М.: ИИУ МГОУ, 2011. – С.26.
4. Социально-трудовые отношения и социальная защита населения в условиях рыночных реформ. /Под.ред. акад. Абдурахманова Қ.Х. – Т.: Изд-во РЭА им. Г.В. Плеханова. - 2005. – с. 7.
5. Кови С.Р. Эпоха мудрости //Razlib.ru: библиотека обучающей информационной литературы. URL: http://www.razlib.ru/psihologija/vosmoi_navyk_ot_yektivnosti_k_velichiyu/p10.php
6. Попов С.А. Стратегическое управление: 17-модульная программа для менеджеров «Управление развитием организации». Модуль 4. – М.: ИНФРА-М, 1999. – С.139.
7. Арсеньева Н.В., Селиванова И.В. Корпоративная социальная ответственность как средство повышения деловой репутации организации // Научные труды (Вестник МАТИ). – 2014. – № 23 (95). – С. 172.



РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
DIGITAL ECONOMY AND INFORMATION TECHNOLOGY

Илмий электрон журнал | Scientific electronic journal

Muharrir

Yaxshiyev H.T.

Musahhih va dizayner

Matxo'jayev A.O.

Texnik muharrir

Mirzayev J.O'.

Litsenziya AI № 240 04.07.2013. Bosishga ruxsat etildi 07.11.2022.


Qog'oz bichimi 60x80 1/16. Times garniturası. Raqamli bosma.


Shartli bosma tabog'i: 23,3. Adadi 50 nusxa.


«IMZO PRINT MEDIA GROUP» XKning matbaa bo'limida chop etildi.

100066. Toshkent shahri, Islom Karimov ko'chasi, 49-uy.



+998 71 239-28-41  <http://dgeconomy.tsue.uz/>

 dgeconomy_tdiu@mail.ru, dgeconomy@tsue.uz

 100066, Toshkent shahri, Islom Karimov ko'chasi, 49-uy.



COLORPACK

время ярких решений